

## Бақара сураси, 132-оят

12:35 / 29.11.2017 4183

**Иброҳим ўз ўғилларига ва Яъқуб ҳам: «Эй ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади, бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг», - деб, шу(миллат)ни васият қилдилар. Бақара 132.**

Иброҳим алайҳиссалом ва у кишининг набиралари Яъқуб алайҳиссалом ҳам ўз фарзандларига васият қилиб:

**«Эй ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизларга динни танлади...»** - дедилар. Демак, бу дин – Аллоҳ ихтиёр қилган дин. Бошқа нарсага юз тутишга ўрин йўқ.

**«...мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг».**

Мусулмон бўлиб яшаб, мусулмон бўлиб ўлишга ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ.

Иброҳим алайҳиссаломнинг меросхўримиз, деяётган араб мушриклари ва Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандлари – Бану Исроил нима учун бошқа йўлда юрибдилар?!